



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI POKISTON ISLOM RESPUBLIKASI QURUQLIKDAGI QUSHINLAR QUMONDONINI QABUL QILDI

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни Покистон Ислам Республикасининг Куруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Камар Жовид Бажва бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Покистон ўртасида сўнгги йилларда жадал ривожланиётган, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойиллари-га, шунингдек, умумий тарих, дин, анъана ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган кўп қиррали алоқаларнинг яна бир далили эканини алоҳида таъкидлади.

Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар фаоллашгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб, ўзаро савдо ҳажми ортмоқда. Икки мамлакат компаниялари ва тадбиркорлари томонидан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгаши иш бошлади.

Ўтган йил апрель ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Лахор — Тошкент йўналиши бўйича парвозлари қайта тикланди.

Маданий-ижтимоий ва туристик алмашинувлар, жумладан, мамлакатимизга зиёрат туризми дастури доирасидаги саёхатлар кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий,

транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларга оид ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Покистон Ислам Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайннинг саломини етказди.

Генерал Қ.Бажва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қуруқлик Кучларни модернизация қилиш ва мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди.


Жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг амалий натижалари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнггида Покистоннинг Куруқликдаги қўшинлар қўмондони Покистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорлики янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЎЗА

ТУРКИЯ RESPUBLIKASI PREZIDENTI REJEP TAYYIP ERDUGONNING ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ОЛДИДАН

« БУГУНГИ КУНДА
ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ
ВА МАДАНИЯТИНИНГ
ШОҲЛИ АНЪАНАЛАРИНИ
ТИКЛАШ, ТАЪЛИМ ВА
ИЛМ-ФАНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
УЧУН ПРЕЗИДЕНТ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
ТОМОНИДАН КАТТА
КУЧ-ҒАЙРАТ
САРФЛАНАЁТГАНИ
МЕНИ ЖУДА
ҚУВОНТИРАДИ ».



ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИШ

Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарнинг
40 йиллик орзуси

Азиз САНЖАР

кимёгар-олим, Нобель мукофоти лауреати,
Шимолий Каролина университети профессори:

— Дунёда Ўзбекистонни ал-Фаробий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, ибн Сино, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби жаҳон фанининг тамал тошларини қўйган олимлар Ватани сифатида билишди.

2015 йилда менга кимё ва биокимё фанлари бўйича Нобель мукофоти берилганда бу нуфузли мукофотни мазкур фанларга асос солган ал-Беруний ва ибн Синоларнинг авлоди сифатида қабул қилиб, олдим.

Ҳақиқатан ҳам гўзал юртингиз Ўзбекистон ота юрт Туркистоннинг қалбидир. У ердаги қадим туркий маданият, тил, илм-фаннинг марказлари бўлиши Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм каби шаҳарларда ўтмишда ва бугунги кунда дунё тан олган буюк тамаддун камол топди ва жаҳоний шухрат таратди.

Улуғбек мадрасасида XV асрда астрономия, математика, кимё, тарих каби фанларнинг тараққиёт эгдиги, бу мадрасанинг

шухрати унда яратилган асарларнинг, юлдузлар жаҳв-лининг Усмонли салтанати орқали Европага етиб бориши ҳамда бу юртлардаги илм-фаннинг ривожига туртки берганини фахр-иштихор билан таъкидлашни истайман.

Бугунги кунда Ўзбекистон фани ва маданиятининг шоҳли аъёнларини тиклаш, таълим ва илм-фани ривожлантириш учун Президент Шавкат Мирзиёев томонидан катта куч-ғайрат сарфланаётгани мени жуда қувонтиради. Илм-фанга йўналтирилган сармоя ва эътибор, албатта, ўз самарасини беради.

Ўзбекистонда яқин йиллар ичида илм-фаннинг беқиёс ривожланишига, бу ердан дунёга довруқ солаётган олимлар етишиб чиқишига ишонаман.

Яқин келажакда буюк алломи-лар юрти Ўзбекистонда бўлиб, у ердаги қадимий илм-фан марказларини зиёрат қилиш, ўзбек халқининг ўз юртини гуллаб-яшатиш борасида олиб бораётган фаолияти билан танишиш ниятим бор.

Ўзбекистонни кўриш — бу менинг 40 йиллик орзум. Қардош ва қондош ўзбек халқига, унинг илмга чанқоқ ёшларига алангали саломларимни йўллайман. Ўзбекистонда кўришгунча...

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР БУТУН ДУНЁ ЭКСПЕРТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА»

менинг энг севган мамлакатим эди. Ўша кезлар фурсат бўлиши билан бу қардош юртга хизмат қилишни орзу қилардим. 1992 йил сентябрда Анқара университетидан Тошкентга келиб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ишлай бошладим. Ўша давр балки, ҳаётимнинг энг гўзал йиллари эди. Тўғри, истиқлолнинг илк вақтларида Ўзбекистонда ҳали мустабид тузумнинг асоратлари ва йўқчилик сезилиб турарди. Аммо биз Ўзбекистон ўзининг салоҳияти юксак, меҳнаткаш ва ишбилармон халқи билан Марказий Осиёнинг юрагига айланишини орзу қилар ва бу орзунинг рўёбга чиқишига ишонардик.

Орадан йиллар ўтгач, Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари туфайли бу қардош ўлкада замонавий саноат, машинасозлик, автомобилсозлик, электроника асбоблари ишлаб чиқариш, текстиль вужудга келгани, Ўзбекистон ўз буюк келажиги сари шайхдам қадам ташлаётганининг гувоҳи бўлдик.

2016 йил 4 декабрда сайловлар якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Шавкат Мирзиёевнинг сайланиши халқ билан мулоқот, демократик эркинликлар, ишбилармонлик ташаббусларига кенг йўл очди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги қардош мамлакатлар билан қалин иқтисодий-сиёсий, илмий-маданий алоқаларни йўлга қўйгач, 1990-йиллар бошидаги орзуларимизнинг рўёбга чиққанини кўрдик. Турк дунёсининг муҳим бўғинларидан бири бўлган Туркия Республикаси билан яқин қардошлик ва дўстлик алоқалари ўрнатилди. Икки ўлканинг йўлбошчилари — Шавкат Мирзиёев ва Реjep Таййип Эрдоғоннинг самимий дўстлиги мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга ҳам ижобий таъсир ўтказди. Ҳозир халқларимиз оташланган қардошлик ва дўстлик туйғуларини бир-бирига интиломоқда.

Ўзбекистон кўп сонли моддий ва маънавий меросга эга бўлган мамлакат. Жаҳонда туристлар фақат дам олиш учун қишлоқларга саёхатга чиқмайди. Маданият туризми бугун дунёда жадал ривожланиётган ва оммалашган туризм турларидан биридир. Ўзбекистоннинг улкан туризм салоҳиятини

жаҳонга намойён қилиш, туризм секторини ривожлантириш ила ўлка халқининг моддий фаровонлигини ошириш жуда-жуда муҳимдир. Ўзбекистонда маълум бир мамлакатлар фуқароларига виза тартибининг бекор қилиниши оқилона қарор бўлиб, бу қардош Ўзбекистоннинг дунёдаги обрўсини кескин оширди. Туркиядаги 80 миллион Ўзбекистонни ота юрт деб ҳисоблайдиган инсонлар учун бу қарорнинг қанчалик юксак қийматга эгаллигини таърифлашга сўз ожиз.

Демократия аслида бир маданиятдир ва у халқнинг азалий қадриятлари билан уйғунлашганда ўз мевасини беради. Ҳар бир халқда миллий шаклдаги демократик анъаналар мавжуд. Ўзбекистонда мухтарам Президент Шавкат Мирзиёев туркий халқларга, жумладан, ўзбекларга хос бўлган адолатли давлат, халқ билан мулоқотларда ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш, халқгами билан яшаш анъанасини жуда қийинли бир шаклда рўёбга чиқармоқда. Зеро, давлатлар ўз халқини, миллиятини ҳузур-халоват, тинчлик-осойишталик, тўкин ҳаёт билан таъминлаш учун масъулдир.

Усмонийлар салтанатининг асосчиси Усмонбейга унинг устози шайх Эрдебали шундай деган экан: «Эй ўғил! Сабр қилишни бил, гул ўз вақтидан олдин очилмайди. Шунинг ҳам унутма, инсонни яқин яшати, давлат ҳам яшасин!» Демократиянинг асосий мазмуни ҳам шундадир. Демократия аста-аста ўрганиладиган сабоқ каби халқнинг турмуши ва ҳаёт тарзига албатта кириб боради, ўрнашади. Қардош Ўзбекистон ана шу йўлдан шайхдам қадам ташлаб бормоқда.

Мухтарам Шавкат Мирзиёевнинг самимий ички ва ташқи сиёсати туфайли яқин 5-10 йил ичида Ўзбекистон гуллаб-яшнашига, қардош Ўзбек халқи янада бой ва тўкин яшашига ишонаман.

Бугун Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган ислохотлар бутун дунё экспертлари эътиборида...

Самарқанд давлат университети
профессори Жўлибой ЭЛТАЗАРОВ,
Фаррух ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA УРУҒЧИЛИК ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Шу билан бирга, бирламчи уруғчилик ва янги, истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда.

Турли навадги уруғлар ва репродукцияларни алоҳида йиғиш, шунингдек, уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги экин материалли сифатининг пасайишига ва ҳосилдорлиқнинг тушишига олиб келмоқда.

Бундай ҳолларда маркетинг ва ҳуқуқий тартибга солишнинг самарасиз тизими қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экспортини етарли даражада амалга ошириш имконини бермапти, селекция ва бирламчи уруғчиликнинг лозим даражада бўлмаганлиги эса уларни импорт қилиш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Уруғчилик соҳасини тубдан такомиллаштириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни халқаро бозорларга янада илгари суриш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2018 йил 1 сентябрдан:

битта вилоятда бундан кўп, битта туманда бештадан кўп бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини, шунингдек, битта вилоятда бештадан кўп, битта туманда иккитадан кўп гўзанинг районлаштирилган навларини жойлаштиришга йўл қўйилмайдиган (синув ўтказиш учун жойлаштириладиган янги навлар бундан мустасно);

бошоқли дон экинлари ва гўза навларини синовдан ўтказиш муддати икки йилдан, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг навларини (бошоқли дон экинлари, гўза ва картошка уруғлари бундан мустасно) мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тасвия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

бошоқли дон экинлари ва гўзанинг уруғларини экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг ҳулосасига асосан Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарори бўйича амалга оширилади, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш учун махсус рухсатнома талаб қилинмайдиган;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини импорт қилганда (бошоқли дон экинлари, гўза ва картошка уруғлари бундан мустасно), агар синовдан ўтказишда қўлланилган талаблар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган шунга ўхшаш талаблардан паст бўлмаса, аккредитация бўйича халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитация қилган хорижий лабораториялар томонидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш натижалари тан олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5418-сон Фармонида мувофиқ Гўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, гўза ва бошоқли дон экинларининг уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш;

маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан, биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг екиладиган уруғларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

► Давоми 2-бетда.



Мухитгин ГУМУШ,
Қирғиз-Турк Манас
университети профессори:

— Демократияни одамлар турлича қабул қилганлар, уни ёқирадиган ва ёқирамайди-ганлар ҳам бор. Демократияни кўтириш сифатлар билан таърифлайдилар: социал демократия, либерал демократия, ярим демократия, мухофазакор демократия каби. Менинг фикримча демократия инсонларнинг асосий ҳақ-хуқуқларини қадроплаш, сўз эркинлигига эришиш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлаш, шунингдек, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириш имконияти дем-макдир.

Демократик мамлакатларда энг асосий ҳақ-хуқуқ бу оқойишта яшаш ҳуқуқидир. Бу билан бирга, таълим олиш ҳуқуқи, мол-мулкка эгалик ҳуқуқи, саёхатга чиқиш эркинлиги, фикрлаш ҳуррияти, ўз эрк-иродасини намойён этиш каби тамойиллар ҳам демократиянинг энг муҳим белгиларидир.

1991 йилда мустақилликка эришган Ўзбекистон тарихий Туркистон мулкнинг моддий, маънавий ва маданий бойликлари энг сероб, юксак илм-фан ва маданият маркази бўлган. Бу ерда яшовчи инсонлар ўзининг олижаноблиги ва меҳнатсеварлиги билан атрофдаги қардош халқларга намуна бўлиб келишган. Болалик чоғларимдан Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УРУҒЧИЛИК
ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий органлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш, уруғларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Б.Н.Умаровнинг мамлакатда замонавий уруғчилик тизimini шакллантириш, Марказ, шунингдек, бирламчи уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишга шахсий жавобгарлиги белгилансин.

5. Куйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Марказ ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги, зарур бўлганда, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкилий-штар тузилмаларига ҳодимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, элита-уруғчилик хўжаликларининг миқдори ва ҳодимлар сонини оптималлаштириш ҳисобида туман филиалларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:
Марказ давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш уруғчилик хўжаликлари ва корхоналари билан тузилган воситачилик шартномалари асосида Марказ томонидан амалга оширилади;

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

воситачилик шартномалари бўйича қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилишда воситачилик ҳақи бир фозидан ошмаслиги лозим;

Марказ директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8. Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

кўрсатилаётган хизматлардан, уруғчилик материаллини сотишдан, шу жумладан уни экспорт қилишдан олинган даромадлар; белгиланган тартибда тўланадиган навлар уруғлар учун устама ҳақлардан олинган ўтказмалар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Марказ Уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни унинг фаолиятини юқори ва касбий даражада самарали ташкил этишнинг таъминлашга қодир малакали ҳодимлар билан тўлдирсин;

Марказни жойлаштириш, уни алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси, компьютер техникаси ва ўзига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун зарур бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Марказ зиммасига давлат буюртмаси доирасида 2018-2019

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

йиллар ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича вазифа ва масъулият юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фанлар академияси, Интеллектуал мулк агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режасининг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

бренд ва тижоратбоп, шунингдек, дурагай ва лицензияланган навларнинг уруғчилик материаллини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи уруғчилик компанияларини, шу жумладан чет эл капитали иштирокида ва давлат-хусусий шериклик асосида компанияларини ташкил этиш; уруғ тайёрловчи ва етиштирувчи корхоналарда ички сифат назорати тизими ва инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, халқаро талабларга мувофиқ аккредитация қилинган замонавий лабораторияларни ташкил этиш;

мавжуд маҳаллий ва хорижий селекция навлари коллекцияси асосида юқори ҳосилдорликка, юқори сифатга эга ва касалликларга чидамли устувор қишлоқ хўжалиги экинларининг дурагайлари етиштириш тизimini ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини лицензиялаш механизмларини, оригинаторлар томонидан корхоналар ва кластерлардан лицензия бўйича олинмадиган роялти схемалари ва миқдорларини жорий этиш;

мамлакатда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг тўлиқ инвентаризациясини, уларнинг молекуляр-

генетик паспортизациясини (ДНК бар-кодинг) ўтказиш, шунингдек, уларни мамлакатнинг селекция ютуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш халқаро иттифоқида (UPOV) рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш;

уруғчилик хўжаликлари ва уруғлик материаллини қайта ишлаш цехларининг ўрнатилган нормалар, талаблар, регламентлар ва техник ҳисобларга мувофиқлиги бўйича инвентаризация қилиш;

ғўзанинг селекция навлари патентлари ва муаллифлик гувоҳномаларини (оригиналтор ҳуқуқларини) баҳолаш ва уларни ҳар уч йилда қайта тасдиқлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уруғчилик масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотларга қўшилиши мумкинлиги масалаларини ўрганиб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р.Холмуродов ва З.Т.Мирзаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 апрель

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

ТОШЛОҚДАГИ МУАММОЛАР
ЎЗ-ЎЗИДАН ҲАЛ БЎЛМАЙДИ

Хабарингиз бор, ҳар ойнинг дастлабки 10 кунни давомида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси аъзолари жойларда аҳоли вакиллари билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқда. Учрашувлар давомида аниқланаётган катта-кичик муаммоларни қозғошга қайд этиб қўйиш эмас, уларга амалда ечим топиш долзарб масалалар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги ҳақиқий аҳволни ўрганди.

Туманда 196,2 минг киши 51 МФЙда истиқомат қилади. Жами 48 мактаб, 20 та мактабча таълим муассасаси, бир шифохона, 3 қишлоқ врачлик пункти, 6 қишлоқ оилавий поликлиникаси ва 6 коллеж мавжуд.

2018 йил учун ҳам минтақавий инвестиция дастури шакллантирилган ва унга 17 та лойиҳа киритилган, 11 миллиард 293 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган (саноат йўналишида 6 та, хизмат кўрсатиш йўналишида 7 та ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 4 та). Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 5 миллиард 730 миллион сўм, лойиҳа ташаббускорлари ҳисобидан 5 миллиард 563 миллион сўм миқдорда маблағ сарфланиши белгиланган. Уларни амалга ошириш ҳисобида 143 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳи аъзолари 483 хонадонда бўлиб, 330 масалани рўйхатга олди. Кўтарилган муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг 136 таси жойда ҳал этилди. 14 масалани вилоят, 6 тасини республика даражасида ҳал этиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди.

50 га яқин фуқаро иш билан таъминланди, 100 га яқин фуқарони ишга жойлаштириш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан келишиб олинди.

Парламент вакиллари тумандаги 28-умумтаълим мактаби фаолияти, унинг ҳолати билан яқиндан танишди. Мактабда ўқувчиларга берилаётган таълимнинг сифат даражаси ҳамда давомат таҳлил қилинди. Ўқитувчи-педагоглар билан мулоқотда таълимни жаҳон андозаларига жавоб берадиган инновацион технологиялар асосида ривожлантириш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Бу борада ўқитувчиларнинг тажриба алмашинуви ҳамда амалий машғулотларни қўлайтириш кераклигига эътибор қаратилди.

Тумандаги «Яккавут» маҳалла фуқаролар

йигинида оилавий ажримлар ҳамда ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди. Худуддаги муаммолар ўрганилди. Уларнинг ечими юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборишга келишиб олинди.

Парламент вакиллари Ёшлар иттифоқи туман бўлимида ҳам бўлиб, яратилган шароит билан яқиндан танишди. Муқим иш ўрнига эга бўлмаган уюшмаган ёшлар билан кўпроқ ишлаш борасида тақлифлар билдирилди.

Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш масаласи бугунги кунда жуда долзарбдир. Шунга мувофиқ, тумандаги чорва ва деҳқон хўжаликларидан олиб борилаётган ишлар ҳам ишчи гуруҳи аъзолари диққат марказида бўлди. Аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси таҳлил қилинди.

Шундан сўнг тумандаги «Сирлимачит» маҳалласида жойлашган 8-умумтаълим мактабига борилиди. Мазкур мактаб биноси ҳамда унга яқин жойлашган 4-мактабчага таълим муассасаси биноси ачинадиган ҳолга келиб қолган. Ҳар иккала муассаса биносининг деворлари захлаб, нурай бошлаган. Маҳалла аҳли худуддаги яроқсиз ҳолга келиб қолган ероти кудуги (сқақинаси) дан сизиб чиқаётган сув бунга асосий сабаб бўлаётганини айтиди.

Тумандаги 19 ва 44-умумтаълим мактабларида эса ўқувчилар овқатланиши учун шароит мавжуд эмас. Ошхона деб фойдаланилаётган жой санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Тозаликка риоя этиш, бола саломатлиги учун хавфсиз тарзда овқат тайёрлаш, истеъмол қилиш масаласи зудлик билан ечим талаб этади.

2018 йил учун туманда экспорт режаси 10 миллион 566,7 минг АҚШ доллари, жорий йил биринчи чораги учун эса режа 966,4 минг доллар миқдоридан белгиланган. Амалда

771,5 минг долларлик ёки белгиланган режанинг 79,8 фоизи бажарилган.

Саноат маҳсулотлари экспорт қилувчи «Мерфен-Ко» МЧЖ (пойабзал ишлаб чиқариш) 2018 йил 1 январдан четдан келтириладиган хом ашёга белгиланадиган солиқ тўловлари миқдори ошиши эвазига ишлаб чиқариш маҳсулотлари нархи деярли 3 баробарга ортиб кетган.

Тиббиёт бirlашмаси раҳбарининг халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида ҳисобот бериш жадвали ишлаб чиқилган, лекин 2018 йилнинг биринчи чораги бўйича ҳисоботи ҳали ҳануз берилмаган.

Тумандаги ичимлик сув тармоғи 243 километрни ташкил қилиб, 141 километрни таъмирлаш мўҳтож. Аҳолининг марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланганлиги атиги 4 фоизни ташкил этади. 149 ичимлик сув қудуқларидан 34 таси таъмирталаб ҳолатда.

Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида юқоридаги ҳолатлар ва аниқланган камчиликлар туман мутасадди раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Сессия иштирокчилари парламент вакиллари тайёрлаган таҳлилий-танқидий ахборот билан танишди.

Қайд этилганидек, туманни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Лекин йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда эътиборсизликлардан кам қўзиб бўлмайди. Уй-жой коммунал ва транспорт хизмати, йўл қурилиши билан боғлиқ долзарб масалалар тўпланиб қолгани таъкидланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, пул-кредит билан боғлиқ ечимини қутаётган муаммолар ҳам оз эмас.

— Туманинг марказий кўчаларидаги йўналишчи, йўналишсиз таксилар учун тўхташ жойлари ташкил қилиш мутасадди раҳбарларнинг эътиборидан четда қолган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўрмоҳаммад Акбаров. — Ҳар ким исталган жойга автомашиналарини қўйиб кетиши тартибсизликларни юзага келтирмоқда.

Бундан ташқари, тумандаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Кўп қаватли уйларнинг том қисми, йўлақлар таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Ерўлавларни қиқиндилардан тозалаш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Кўп қаватли уйларнинг фасад қисми ўтган асрни ёдингизга солади. Уларни замонавий кўринишга келтириш учун катта маблағ талаб этилади.

Истиқлол маҳалласининг «Юксалиш» кўчасида яшовчи Мухаммад Содик Турсуналиев ва Илҳомжон Раҳматжонов давонашига мўҳтож. Уларнинг қаровчиси бўлган оналарига эса нафақа тайинланмаган. Бу масалада соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари эътиборлироқ бўлиши талаб этилади.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари, парламент ишчи гуруҳи раҳбари Ҳотамжон Кетмонов қатнашди ва сўзга чиқди. Муаммоларни ҳал этиш учун имкониятлар қидириб топиш ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланди.

Сессияда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича туман «йўл харитаси» ишлаб чиқиш белгиланди. Туман ҳокими ўринбосарларига мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликда қатор вазифалар юклатилди.

Унда туманга вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиладиган субвенция миқдорини камайтириш борасида тегишли чоралар кўриш назарда тутилган. Белгиланган экспорт режаларини туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими билан биргаликда бажариш талаб этилади.

Аҳолининг ичимлик суви ҳамда газ баллонларига бўлган эътиёжини ҳар бир маҳалла кесимида қайтадан ўрганиб чиқиш ва тўпланган маълумотлар асосида масалага ечим топиш белгиланди. Эски тилдаги ёғоч устунлари, кам қувватли трансформаторлар ҳамда ҳаво узатмаларини янгилаш билан боғлиқ манзилли тақлифлар ишлаб чиқилиши қайд этилди.

Пудратчи ташкилотлар томонидан намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларни қуришда сифатсиз маҳсулотлардан фойдаланиш ҳолатларига чек қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Шунингдек, секторлар билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда тизимли фаолиятини йўлга қўйишга оид масалалар ҳам қарорда ўз аксини топди.

Сессия қароридан белгиланган ҳар бир вазифа устидан қатъий депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Академик
Маҳмуд Салоҳиддинов

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради.

Атоқли математик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Маҳмуд Салоҳиддинов шу йил 27 апрелда 85 ёшида вафот этди.

М.Салоҳиддинов 1933 йил 23 ноябрда Наманган шаҳрида туғилди. 1958 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг математика факультетини тугатиб, шу даргоҳда аспирантурада таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1974 йилда илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

М.Салоҳиддинов ўз меҳнат фаолиятини 1959 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтига кичик илмий ходим сифатида бошлади. Ушбу масканда катта илмий ходим, бўлим mudiri, директор ўринбосари ва директор лавозимларида муваффақиятли фаолият кўрсатди.

Катта илмий салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган атоқли олим кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти ва президенти, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг Математика институтини бўлим mudiri каби масъул вазифаларда халқимиз ва Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Олимнинг замонавий ўзбек математика мактабини дунёга танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал тадқиқотлари, илмий ишланмалари, монография ва мақолалари юртимиз ва чет эл илмий жамоатчилиги ўртасида юксак эътирофга сазовор бўлди.

Тажрибали олим моҳир ва талабчан мураббий сифатида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

М.Салоҳиддинов мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. У бир неча бор республикаимиз парламентига аъзо этиб сайланган эди.

Академик М.Салоҳиддиновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони, «Фидокорона хизматлари учун», «Меҳнат шuhrати» ва «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Маҳмуд Салоҳиддиновнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, Ш.АЮПОВ

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муроджон Ҳайитов Мирзаобод туманида аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказди.

Айтиш кераки, Мирзаобод тумани эндигина қаддини ростлаётган, иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган, муаммолар ҳам тўпланиб қолган ҳудуд саналади. Аҳолини ичимлик суви, ишсизлик билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида ўйлан-тириб келмоқда.

«Дастурга киритилди,
ҳал этилади...»

Одамлар бундай гаплардан чарчаган

Мисол учун, туман марказидаги «Наврўз» шаҳарчаси Зомин кўчасида 200 метр жой ичимлик сув тармоғига уланмаган. Аҳоли руҳсат берилса, ўзлари маблаг йиғиб, масалани ҳал этишга тайёр эканини билдирди. Бундай мисолларни «Тошкент», «Богистон», «Тинчлик» маҳаллаларидан ҳам келтириш мумкин. Қўшни шундаки, сув йўқ бўлишга қарамай, жон бошига одамлардан тўлов ундирилади. Фуқаролар юзлаб метр масофадан сув ташиб келишарди.

Айрим жойларда терак дарахтининг ингичка ёғочларидан қўлбола усулда ясалган симёғочлардан электр сими ўтказилган. Сабаби, аҳоли мурожаатларига мутасаддилар «дастурга киритилган, ҳал бўлиши керак», деб жавоб беришган.

Мулоқотларда аҳолидан кўплаб мувожаатлар бўлди. Уларга ечим топиш учун «Сувокова», ер кадастр бўлимлари, туман йўл қурилиш ташкилоти, бандликка қўмақлашиш маркази раҳбарлари ҳамда туман Кенгашидаги депутатлар сайёҳ-ҳаракатларни бирлаштириши тақозо этилади. Мутасадди раҳбарларнинг аҳолини йиғиб, кўтарилган муаммоларни ён дафтарига номига қайд этиб қўйиши билан иш битмайди.

Одамлар ҳар бир йиғилишда турли масалаларни кўтарарди. Лекин улар «бу йилги ёки келгуси йилги дастурга киритилди», деган гапларга ишонмай қўйишган. Ўтказилаётган учрашувларда бундай кайфият сезилмоқда.

Туманда ҳудудларнинг жадал иқтисодий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида Президент қароридан белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ долзарб масалалар мавжуд. Бироқ туман ташкилотларининг кўпчилиги муаммоларни бартараф этишга қодир эмас ёки ўз ишига масъулиятни яхши ҳис қилмайди.

Ҳар бир ҳудудда маҳаллий Кенгаш депутатлари секторлар раҳбарлари билан мунтазам иш олиб бориб, кўтарилган муаммоларга вақтида ечим топиши ҳаётнинг ўткир талабига айланиб борапти.

Туркменистоннинг Мари ёки Тошховуз вилоятидаги қариндошларимиз тўй-маърака қилса, бориш машаққат эди, кераксиз тўсиқлар қўйилганди. Энди ҳаммаси ортда қолди.

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2018-yil, 28-aprel. Shanba
• 43 (32.411)

3

МУНОСАБАТ



Қадрдон дўстларингдан юзинг ўтирма, Борсанг, бошларига тож этар сени...

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг юртимизга давлат ташрифи давомида икки давлат раҳбарлари томонидан қабул қилинган қўшма баёнот, сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, йўл-транспорт, туризм соҳаларида имзоланган шартномалар яқин келажақдаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка қўйилган мустақам пойдевор бўлди.

Давлат ташрифи давомида Туркменистон Президентининг давлатимиз раҳбари билан Хоразмда бўлиши, Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги «Улли ҳовли» тарихий обидаси, шунингдек, туркман мумтоз шоири Махтумқули таҳсил олган Хива шаҳридаги Шерғоziхон мадрасаси зиёрати барча воҳа аҳлини, шу жумладан бу заминда неча асрларки ўзбеклар билан бир оила фарзандларидек яшаётган туркман миллати вакиллари ҳам қувонтирди.

Сафарбой РЎЗИМБОЕВ,
Урганч давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори:

— Айнан истиқлол йилларида воҳада яшаётган туркманлар учун ўз она тилини, миллий қадриятларини ривожлантиришга барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Вилоятда тўртта мактабда дарслар туркман тилида олиб борилаётгани бунинг исботи. Туркманлар барча соҳаларда ўзбеклар билан елкама-елка хизмат

Хоразмда фаолият бошлаган «Ўзбек — туркман дўстлик уйи» дини, маданияти бир, мақсадлари муштарак икки халқнинг ўзаро муносабатларини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

қилишмоқда. Улар орасида олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар, турли даражадаги раҳбар ходимлар талайгина.

Қўшни давлатлар билан алоқаларнинг йўлга қўйилаётгани, ўзаро бори-келдилар ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилаётгани барчамизни қувонтиради. Азалдан ота-боболаримиз шу манзилни ватан туттиган, ўзбек билан туркман ўртасида айирмачилик йўқ, чунки улар — бир дарахтнинг илдизларидир. Хоразмда фаолият бошлаган «Ўзбек — туркман дўстлик уйи» дини, маданияти бир, мақсадлари муштарак икки халқнинг ўзаро муносабатларини янги поғонага кўтаришга хизмат қилади.

Қурбондурди ТўРАЕВ,
Богот тумани Хўжалик қишлоғидаги «Қалъажик қалъа» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, меҳнат фахрийси:

— Қоракўмга туташ қишлоғимизда неча асрларки туркман билан ўзбек дўст-қадрдон бўлиб яшаб келмоқда. Элатимизни «Туркманлик» ҳам деб аташади, бу ерда икки юзга яқин туркман оиласи истиқомат қилади. Лекин бизда «сен туркман, мен ўзбек», деган гапнинг ўзи йўқ. Бўлмаган. Ўзбеклар билан қўда-анда бўлиб, жон томирларимиз бирлашиб кетган.

Икки давлат раҳбарининг Хоразмга ташрифини телевизорда кўрдик, гапларини эшитдик. Ҳаммамизга маъқул бўлди. Яшириб нима қиламан, илгари Туркменистоннинг Мари ёки Тошховуз вилоятидаги қариндошларимиз тўй-маърака қилса, бориш машаққат эди, кераксиз тўсиқлар қўйилганди. Энди ҳаммаси ортда қолди. Бир бешиқда улғайган икки қардош халқнинг бир-бириникига бориб келишига йўл очилди.

Нодира ОДАМБОЕВА,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Икки қўшни давлат раҳбарининг сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳамкорлиги борасида имзоланган шартномалари негизда қанчадан-қанча истиқболли келишув, лойиҳалар мужассам. Бу — ўзаро савдо-сотиқ янада ривожланади, инвестицион лойиҳалар амалга оширилади, янги иш ўринлари яратилади, дегани. Айни шу маънода, иқтисодий келишувлар партияимиз электорати манфаатларига тўла мос тушади.

Туркменистон билан давлатимиз ўртасидаги дўстона алоқалар муштараклигини намоён этган олий даражадаги учрашувлар икки қардош халқ тарихида янги саҳифа очди, азалий қон-қардошлик ришталари эндиликда сиёсий, иқтисодий муносабатлар асосида янада мустаҳкамланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

«Қўйлиқ деҳқон бозори» акциядорлик жамияти директори лавозимига танлов эълон қилинади

Лавозим	Маълумотга бўлган талаблар	Квалификация талаблари	Лавозимда ишлаш тартиби
Директор	Олий	— соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси камида 1 йил — акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини билиши; — сотувчи ва хариддорларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш; — иқтисодий ривожланиш режаларини тузиш ва уни амалга оширишни билиши; — соҳага ва тадбиркорликка доир қонунчилигини билиши.	Иш режими: 5/2 соат 8:30 дан 17:30 гача. Ойлик маоши штатлар жадвалига кўра.

Изоҳ: танловда юқори малакали чет эл менежерлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фаргона йўли кўчаси, бозор майдони, тел: 295-94-36. Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Жамият веб сайти: www.kuylyuk-bozori.uz. Хужжатларни қабул қилиш мuddати: 10.05.2018 йилгача

«Qo'lyiq dehqon bozori» акциядорлик жамиятининг 2017 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар қолдиги	6 030 853,2	Устав капитали	1 394 998,8
2	Узоқ муддатли инвестиция	379 884,9	Захира капитали	4 159 672,6
3	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	-	Тақсимланмаган фойда, зарар	1128591,5
4	Капитал қўйилмалар	899 268,4	Мақсадли тушумлар	-
5	Товар-моддий захиралар	14 522,4	Қўшимча капитал	79 974,9
6	Кечиктирилган харажатлар	-	Бюджет бўйича қарзлар	572419,0
7	Пул маблағлари	36 660,1	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзи	75 887,8
8	Дебиторлар жами	1 147 859,0	Бюджетдан ташқари қарзлар	50 039,8
9	Бошқа жорий активлар	55 606,1	Бошқа кредиторлик қарзлар	1 103 069,7
	Актив бўйича жами	8 564 654,1	Пассив бўйича жами	8 564 654,1

Молиявий натижалар:

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида	Хисобот даврида
	Даромадлар	Харажатлар
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	5 461 813,4	X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннари	X	-
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	-	-
Давр харажатлари жами	X	3 092 877,9
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	5 524 882,7	-
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	16 320,5	X
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	5 541 203,2	-
Даромад (фойда) солигини тўлангунга қадар фойда (зарар)	5 541 203,2	-
Даромад (фойда) солиғи	X	4 860 387,0
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	680 816,2	-

Ижобий аудиторлик хулоса.

2017 йил якуни бўйича «TRANS-AUDIT-A» МЧЖ томонидан 2018 йил 20 апрелда хулоса берилган. Лицензия рақами: 00381, берилган санаси: 17.06.2008 й. Аудитор У.И.Тулаев, сертификат №04852, санаси: 10.07.2010 й.

Хулоса: Фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Qo'lyiq dehqon bozori» АЖнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молия-хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

2018 йил 31 май кўни очик аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 12-уйда жойлашган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази балансидаги 2012 й. и/ч, д/р 01/959BCA, бошлангич нархи 24162000 сўм бўлган «Нексия Донс 2»; Тошкент шаҳар, Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уйда жойлашган Тошкент вилояти Ички ишлар Бошқармасининг балансидаги ҳар бирининг бошлангич нархи 904574 сўмдан бўлган 1994 й. и/ч, д/р 01/267 VSD, д/р 10/093 VSF, д/р 10/095 VSF бўлган, 1993 й. и/ч, д/р 10/092 VSF, д/р 10/094 VSF бўлган жами бешта «Доган», 1991 й. и/ч, д/р 10/062 VSF, бошлангич нархи 806634 сўм бўлган «BA3-21063», д/р 01/264 VSD, бошлангич нархи 900916 сўм бўлган «BA3-21061», 1996 й. и/ч, д/р 10/083 VSF бошлангич нархи 1390302 сўм бўлган «Дамас», 1990 й. и/ч, д/р 10/029 VSF, бошлангич нархи 999707 сўм бўлган «YA3-31512», 2000 й. и/ч, д/р 10/086 VSF, бошлангич нархи 863743 сўм бўлган «YA3-31514», 1988 й. и/ч, д/р 01/248VSD, бошлангич нархи 1047576 сўм бўлган «ГА3-3102» русумли автотранспорт воситалари қўйлади.

Аукцион савдолари соат 10:00 да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситасининг бошлангич нархининг камида 20 фоизи миқдоридан закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖ-

сафар қилинг. Биз барчангизни ватандошимиздан намуна олишингизни таклиф қиламиз», дея таъкидлайди бошловчи.

Шу тариқа 30 дақиқа давомида тингловчилар Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва Тошкент шаҳарлари бўйлаб виртуал саёҳат қилиш асосида ранг-баранг ва тақлиф этамиз. Биз Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари тарихий шаҳарлари билан танишиш учун сизларга нобё имкониятини тақдим этишни истаймиз». Радиоэшиттириш бошловчиси Хулио Леал Аспаньо дастурни ана шундай бошлади.

Мазкур эшиттириш туфайли радиотингловчилар Ўзбекистон ва унинг Испания билан буюк ҳукмдор бобокалонимиз Амир Темур 1404 йили ўз қароргоҳида Кастилия қироли Генрих III элчиси Руи Гонсалес де Клавихони қабул қилганидан буюн давом этиб келаётган ўзаро муносабатлари ҳақидаги атрофлича маълумотлардан воқиф бўлдилар.

«Испанияликлар бу ажойиб саёҳат тарихини билишлари ва фахрланишлари керак. Имконият туғилса испан дипломати шарафига кўчаларидан бирига Клавихо номи берилган, эртакмонанд шаҳар бўлмиш Самарқандга

«Жаҳон» АА,
Мадрид.

ИЛМ — ИГНА БИЛАН ҚАЗИЛГАН ҚУДУҚ

Ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодни рағбатлантириш, инновацион феолиқни ошириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотлар яратишга қўмаклашиш ҳамда ёшларнинг инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган энг яхши интеллектуал мулк объектлари — «Best IP-2018» республика танлови ғолиблари аниқланди.



Бу йилги танловда ўтган йиллардан фарқли равишда 6 йўналиш бўйича ишлар қабул қилинди. Унда «Энг яхши фойдали модель» номинацияси йўналишида Исро Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети олимлари 1-ўринни эгаллашди.

— Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш соҳасида замонавий технологияларни жорий қилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини сифатли қайта ишлаш орқали импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган озиқ-овқат ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш вақтини қисқартириш, фойдали иш коэффициентини ошириш, энергия ва ресурсни тежайдиган қўрилмалардан фойдаланиш бугунги кун талаби, — дейди **техника фанлари доктори Жасур Сафаров**. — Таркибида шакарга бой моддалар бўлган сабзавотлар, мевалар ва бошқа маҳсулотларни майдалашда қўлланиладиган технологияларнинг асосий қисмларига шира ёпишиб қилиш натижасида маҳсулот сифатига зийн етади ҳамда вақт чўзилади. Устозларим — профессор Карима Норкулова ҳамда Машъал Маматқулов билан биргаликда яратган технологиямиз ишлаб чиқаришдаги мажмур муаммо ечимига қаратилган. Биз тақриф қилаётган илмий услуб ишлаб чиқаришга жорий этилса, майдаланаётган зарраларнинг қарамелиниш жараёнида тегирмоннинг ички корпусидagi ички органлар совирилиб, маҳсулот ёпишиб қилинишининг олди олинади.

Шухрат ИСЛОМОВ

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ:

янги йўналишлар,
янги шоҳбекатлар

Маълумки, аҳолига автотранспорт хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.

Президентимизнинг 2017 йил январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 6 мартдаги «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт вазирлигида республика ОАВ вакиллари иштирокида ўтган матбуот анжумани шу мавзуга бағишланди.

Айтиш жоизки, Президент қарори асосида дастур тасдиқланган бўлиб, унинг доирасида 2017-2021 йилларда 303 янги йўналиш очилиши ҳамда автотранспорт хизматлари кўрсатишни режалаштирилган. 2017 йилда республика бўйича жами 86 янги автобус йўналишларини очиб режалаштирилган бўлиб, амалда 88 янги йўналиш очилган. Шунингдек, 2017 йилда дастур бўйича 7 та автошохбeкaт қуриш, 6 таси реконструкция қилиш режалаштирилгани ҳолда, амалда 9 шохбeкaт қурилиб, яна 9 таси реконструкция қилинган.

2017-2021 йилларга мўлжалланган юқоридаги дастур доирасида жами 11712 янги иш ўрни барпо этиш режалаштирилган.

Аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиш, уни қишлоқ жойларда ривожлантиришга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЎзА фотомубири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси
Карим ота Розиков хонадонида.

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ФАХРИЙЛАР ХОНАДОНИДА

Мамлакатимизда кексалар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларига чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш доимий эътиборда.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши фаоллари Ромитан туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Карим ота Розиков, Саттор ота Хайитов, Ахрор ота Жалилов хонадонларида бўлди.

— Биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз, — дейди Карим ота Розиков. — Бу умримизга умр қўшмоқда. Бугунги фаровон кунларимиз учун Яратганга шукроналар айтамыз. Юртимизда тинчлик-осойишталик барқарор бўлсин.

«КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!»

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси доирасида йўқлов тadbири ўтказилди.

Лойиҳа доирасида ҳар бир тумандан 5 тадан ижтимоий ҳимояга муҳтож, кекса ва ёлғиз қариялар рўйхати тuzилди. Тузилган манзилли рўйхат бўйича улар билан юзма-юз мулоқот ўтказилиб, яшаш шароитлари билан яқиндан танишилди, муаммолари ўрганилди.

Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, партия фаоллари, «Нуроний»

жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Оила» илмий-амалий маркази, маҳалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кексалар ва пенсионерларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш юзасидан 800 га яқин сайёр тадбирлар, очик мулоқотлар ташкил этилди. Сайёр қабуллар, очик мулоқотлар давоми-

да аҳоли турли масалалар юзасидан маҳаллий Кенгаш депутатлари ва ҳамкор ташкилотлар вакилларига ижтимоий соҳага доир 2500 га яқин муурожаат, тақлиф ва мулоҳазалар билдирди.

Ушбу муурожаатларнинг 2150 таси партиянинг маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари орқали ўзининг ижобий ечимини топан бўлса, 314 та масалага тадбирлар давомида тегишлилигига кўра соҳа мутахассислари томонидан ҳуқуқий тавсиялар берилди. Қолган 36 та масала тегишли мутасадди ташкилотларга

юборилган ва ижроси назоратга олинган.

Мулоқот давомида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар томонидан билдирилган масалаларни ҳал этиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш борасида ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Г.БОБОЕВА,
ЎзА мухбири.

СУДЬЯ МИНБАРИ

СУДЛАР ЖАЗОЛОВЧИ ЭМАС,

балки ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органдир

Бугун суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш долзарб вазифа бўлиб турибди. Президентимизнинг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада дастурий ҳужжат ҳисобланади.

Биз ҳозирги талабдан келиб чиқиб, ўз фаолиятимиз ҳақида жамоатчиликка батафсил ахборот беришга ҳаракат қилимиз.

2017 йил 1 июндан маъмурий судлар иш бошлади. Маълумки, маъмурий судлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар, прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатини гайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси, ваколатли органнинг жисмоний ва юридик бошқариш органнинг ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқади. Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаб беради.

Хусусан, ўтган давр мобайнида Шайхонтоҳур туман маъмурий судига давлат органлар масъуллари устидан тушган шикоятларнинг 40 таси кўрилган бўлса, шулардан 10 тасининг қарори гайриқонуний экани аниқланди. 1600 ҳуқуқбузарликдан 121 таси маҳсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш деб топилди.

Ўз фаолиятимдан мисол келтирадиган бўлсам, бир тадбиркоримиз солиқ инспекциясининг текшируви билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари ва қарори устидан шикоят аризаси билан муурожаат қилди. Ишни кўриш жараёнида уш тадбиркорга нисбатан

тектирув қонунга зид бўлганлиги аниқланди. Ушбу қарор ҳақиқий эмас, деб топилди ва тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, солиқ ходимларига нисбатан ҳусусий ажрим чиқарилди ҳамда прокуратурага уларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари борлигини аниқлаш мақсадида тақдимнома юборилди.

Анча чигалликларга сабаб бўлган яна бир мисол ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Фуқаро Мунаррах Назарова туман Махбурий ижро бюроси ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармасининг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, шикоят аризаси билан муурожаат қилди. Иш жараёнида аниқланишича, Махбурий ижро бюроси ходимлари шаҳар кадастр бошқармасига ногўри маълумотнома тақдим этгани сабаб, фуқаро М.Назарова сотиб олган бинога ҳеч қандай асосларсиз таққи қўйилгани маълум бўлди. Кадастр бошқармаси ходимлари аса таққи борлигини ваҳ қилиб, бинони давлат рўйхатидан ўтказмай келган.

Аслида бино таққиқа қўйилиши лозим бўлмаган объект эканлигини била туриб, Махбурий ижро бюроси ходимлари асоссиз равишда бинодан фойдаланишга, яъни бинони сотишга, бошқа фуқарога ижарага беришга ёки ўзи ишлатишга ҳам йўл қўйилмаслиқ ҳақида қўйилган.

Суд бу таққида фуқаро М.Назарованинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганини аниқлиб, бино билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини гайриқонуний деб топди. Мансабдор шахслар зиммасига бинога қўйилган таққиқни олиб ташлаш ҳамда улардан давлат фойдасига тегишли давлат божи ундириш ҳақида қарор чиқарилди.

Кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда фуқаролик, иқтисодий, жиноят судлари билан биргаликда сайёр суд мажлислари ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва қонунларни ҳурмат қилиш масалаларида тарбиятни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Маълумки, Олий суд ҳамда Ёшлар иттифоқи ўртасида меморандум имзоланган. Унга асосан, Ёшлар иттифоқи аъзолари ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир қилган ёшлар билан суҳбат ўтказилади. Суҳбат жараёнида содир этилган жиноят ўрганилиб, тўғри йўлга қайтариш кафилиги олинса, бундай ҳолда судга муурожаат этилади. Биз эса кафилилик хатини инобатга олиб, енгиллаштирувчи ҳуқуқий чора кўрамиз.

Яна шунинг айтмоқчи эдимки, маъмурий судларда қўриладиган ҳуқуқбузарликлар асосан майда безориликлар бўлиб, маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш, лицензиясиз йўловчи ташиш, ҳақорат ва тўхмат, эҳтиётсизлик натижасида енгил тан жароҳат етказиш кабилардир. Аслида булар жиноятга бир қадам дегани. Фуқаролар, айниқса, ёшлар бу каби ҳуқуқбузарликларни содир этишдан ўзларини тийса, интизомли бўлса, қонунларни ҳурмат қилса, қўллаб жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.

Зеро, мамлакатимизда ўтказиладиган ислохотларнинг янги босқичида адолат, ҳақиқат ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Санжар ЗУЛУНОВ,
Шайхонтоҳур тумани
маъмурий суди раиси.

«БОЙСУН БАҲОРИ – 2018»

БОЙСУН — МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЯТ БЕШИГИ

28-29 апрель кунлари Бойсун туманида бўлиб ўтадиган «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали доирасида Термиз давлат университетида «Бойсун — моддий ва номоддий маданият бешиги» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманинг очилиш маросимида мамлакатимизда миллий урф-одат ва анъаналаримизни, моддий ва номоддий маданият бойликлариимизни асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Пурвикор тоғлар кўйида жойлашган Бойсун — дунё тамаддунининг энг қадимги бешикларидан бири сифатида жаҳон илм-фани аҳлида катта қизиқиш уйғотиб келади. Инсониятнинг илк манзилгоҳларидан бири бўлган бу гўша ўзал табиат манзаралари, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, моддий ва номоддий маданият бойликлари, сержило ноёб қадриятлари билан ҳам машҳур.

Минг йиллар давомида ноёб маданий мероси ўз бағрида авайлаб-асраб келаётган Бойсун 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан «Инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси» дурдонаси сифатида эътироф этилиб, 2008 йилда ЮНЕСКОнинг «Инсониятнинг номоддий маданий мероси» репрезентатив рўйхатига киритилди. Бундай нодир бойлиқни жаҳонда кенг тараннум этиш мақсадида «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивалига асос солинди.

— Дунё цивилизацияси тараққиётга улкан ҳисса қўшган қадимий бу худуднинг миллий хунармандчилиги, этнографияси, археологиясини ўрганиш ва тадқиқ этишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда, — дейди Термиз давлат университети ректори А.Тошқулов. — Қўллаб-хорижлик олимлар ҳам бу борада турли изланишлар олиб бораётди. Мазкур халқаро илмий-амалий конференцияда юртимиз олимлари, мутахассислари билан бирга Хитой, Чехия, Қозғистон каби давлатлардан ўнга яқин олим ва илмий тадқиқотчилар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Анжуман иштирокчилари қадим юрт тарихи, нафис ва бой маданий меросининг дунё тамаддунида тутган ўрни, шунингдек, Бойсун миллий хунармандчилиги, этнографияси ва археологиясини ўрганиш, худудда туризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни илмий муҳокама этди. Қизиқarli тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Конференция иштирокчиларининг маъруза ва мақолалари алоҳида тўплам сифатида чоп этилди. Анжуманда Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+30/+15	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+33/+17	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+30/+16	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+33/+17	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+30/+16	
Тошкент шаҳри	+30/+13	

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba
kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438. 11593 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 00:27.

Topshirilgan vaqti — 02:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон sahifasiga o'tish
uchun QR-kodni telefoningiz orqali
oqaner qiling.

1 2 3 4 6